

**Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан
хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1466-ҳадис**

1466 - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ لِلَّهِ تَعَالَى مَلَائِكَةً يَطُوفُونَ فِي الطُّرُقِ؛ يَلْتَمِسُونَ أَهْلَ الدِّكْرِ، فَإِذَا وَجَدُوا قَوْمًا يَكْتُمُونَ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ تَنَادَوْا: هَلُمُّوا إِلَى حَاجَتِكُمْ، فَيَحْفَتُهُمْ بِأَجْنِحَتِهِمْ إِلَى السَّمَاءِ الدُّنْيَا، فَيَسْأَلُهُمْ رَبُّهُمْ - وَهُوَ أَعْلَمُ - مَا يَشَاءُ عِبَادِي؟ قَالَ: يَقُولُونَ: يُسَبِّحُونَكَ، وَيُكَبِّرُونَكَ، وَيُحَمِّدُونَكَ، وَيُجَدِّدُونَكَ، فَيَقُولُ: هَلْ رَأَوْنِي؟ فَيَقُولُونَ: لَا، وَاللَّهِ مَا رَأَوْكَ، فَيَقُولُ: كَيْفَ لَوْ رَأَوْنِي؟! قَالَ: يَقُولُونَ لَوْ رَأَوْكَ كَانُوا أَشَدَّ لَكَ عِبَادَةً، وَأَشَدَّ لَكَ تَمَجُّدًا، وَأَكْثَرَ لَكَ تَسْبِيحًا، فَيَقُولُ: فَمَاذَا يَسْأَلُونَ؟ قَالَ: يَقُولُونَ: يَسْأَلُونَكَ الْجَنَّةَ، قَالَ: يَشَاءُ: وَهَلْ رَأَوْهَا؟ قَالَ: يَقُولُونَ: لَا، وَاللَّهِ يَا رَبِّ مَا رَأَوْهَا، يَقُولُ: فَكَيْفَ لَوْ رَأَوْهَا؟! قَالَ: يَقُولُونَ: لَوْ أَنَّهُمْ رَأَوْهَا كَانُوا أَشَدَّ عَلَيْهَا حِرْصًا، وَأَشَدَّ لَهَا طَلَبًا، وَأَعْظَمَ فِيهَا رَغْبَةً، قَالَ: فَمِمَّ يَتَعَوَّدُونَ؟ قَالَ: يَتَعَوَّدُونَ مِنَ النَّارِ؛ قَالَ: فَيَقُولُ: وَهَلْ رَأَوْهَا؟ قَالَ: يَقُولُونَ: لَا، وَاللَّهِ مَا رَأَوْهَا، فَيَقُولُ: كَيْفَ لَوْ رَأَوْهَا؟! قَالَ: يَقُولُونَ: لَوْ رَأَوْهَا كَانُوا أَشَدَّ مِنْهَا فِرَارًا، وَأَشَدَّ لَهَا خَافَةً، قَالَ: فَيَقُولُ: فَأُشْهِلُكُمْ أَيْ قَدْ غَفَرْتُ لَهُمْ، قَالَ: يَقُولُ مَلَكٌ مِنَ الْمَلَائِكَةِ: فِيهِمْ فُلَانٌ لَيْسَ مِنْهُمْ، إِنَّمَا جَاءَ لِلْحَاجَةِ، قَالَ: هُمْ الْجُلَسَاءُ لَا يَشْقَى بِهِمْ جَلِيسُهُمْ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 6408، م 2689].

وَفِي رِوَايَةٍ لِمُسْلِمٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِنَّ لِلَّهِ مَلَائِكَةً سَيَّارَةً فَضْلًا، يَتَّبِعُونَ مَجَالِسَ الدِّكْرِ، فَإِذَا وَجَدُوا مَجْلِسًا فِيهِ ذِكْرٌ قَعَدُوا مَعَهُمْ، وَحَفَّ بَعْضُهُمْ بَعْضًا بِأَجْنِحَتِهِمْ حَتَّى يَمْلَأُوا مَا بَيْنَهُمْ وَبَيْنَ السَّمَاءِ الدُّنْيَا، فَإِذَا تَفَرَّقُوا عَرَجُوا وَصَعِدُوا إِلَى السَّمَاءِ، فَيَسْأَلُهُمُ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ - وَهُوَ أَعْلَمُ - مَا مِنْ أَيْنَ جِئْتُمْ؟ فَيَقُولُونَ: جِئْنَا مِنْ عِنْدِ عِبَادٍ لَكَ فِي الْأَرْضِ؛

يُسَبِّحُونَكَ، وَيُكَبِّرُونَكَ، وَيُهَلِّلُونَكَ، وَيَحْمَدُونَكَ، وَيَسْأَلُونَكَ، قَالَ: وَمَاذَا يَسْأَلُونِي؟ قَالُوا: يَسْأَلُونَكَ جَنَّتِكَ، قَالَ: وَهَلْ رَأَوْا جَنَّتِي؟ قَالُوا: لَا، أَيُّ رَبِّ، قَالَ: فَكَيْفَ لَوْ رَأَوْا جَنَّتِي؟! قَالُوا: وَيَسْتَحْجِرُونَكَ، قَالَ: وَمِمَّ يَسْتَحْجِرُونِي؟ قَالُوا: مِنْ نَارِكَ يَا رَبِّ، قَالَ: وَهَلْ رَأَوْا نَارِي؟ قَالُوا: لَا، قَالَ: فَكَيْفَ لَوْ رَأَوْا نَارِي؟! قَالُوا: وَيَسْتَغْفِرُونَكَ، فَيَقُولُ: قَدْ غَفَرْتُ لَهُمْ، وَأَعْطَيْتُهُمْ مَا سَأَلُوا، وَأَجْرْتُهُمْ مِمَّا اسْتَجَارُوا، قَالَ: يَقُولُونَ: رَبِّ؛ فِيهِمْ فُلَانٌ عَبْدٌ خَطَّاءٌ إِنَّمَا مَرَّ، فَجَلَسَ مَعَهُمْ، فَيَقُولُ: وَلَهُ غَفَرْتُ، هُمُ الْقَوْمُ لَا يَشْقَى مِنْ جَلِيسَتِهِمْ».

1466. Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Аллоҳнинг зикр аҳлини қидириб, йўлларда айланиб юрадиган фаришталари бор. Агар бирорта зикр қилаётган қавмни топиб қолишса, «Излаган нарсаларингизга келинглар!» деб бир-бирларини чақиришади. Кейин улар буларни (зикр қилаётганларни) қанотлари билан дунё осмонигача ўраб олишади. Робблари Ўзи улардан яхши билса ҳам: «Бандаларим нима дейишяпти?» деб сўрайди. Улар: «Сенга тасбеҳ, такбир ва ҳамд айтишяпти, Сени улуғлашяпти», дейишади. У Зот: «Улар Мени кўришганми?» дейди. Улар: «Аллоҳга қасамки, йўқ, улар Сени кўришмаган», дейишади. У Зот: «Агар Мени кўрганларда, қандай бўлар эди?» дейди. Улар: «Агар Сени кўрганларида, Сенга янада қаттиқроқ ибодат қилишар, Сени янада қаттиқроқ улуғлашар ва Сенга янада кўпроқ тасбеҳ айтишар эди», дейишади. У Зот: «Улар Мендан нима сўрашяпти?» дейди. Улар: «Жаннатни сўрашяпти», дейишади. У Зот: «Улар уни кўришганми?» дейди. Улар: «Аллоҳга қасамки, йўқ. Эй Роббимиз, улар уни кўришмаган!» дейишади. У Зот: «Агар уни кўрганларида, қандай бўлар эди?» дейди. Улар: «Агар улар уни кўрганларида, унга янада ҳарисроқ, янада қаттиқроқ интилувчан ва янада кўпроқ рағбатли бўлишар эди», дейишади. У Зот: «Улар нимадан паноҳ сўрашяпти?» дейди. Улар: «Жаҳаннамдан», дейишади. У Зот: «Улар уни кўришганми?» дейди. Улар: «Аллоҳга қасамки, йўқ. Улар уни кўришмаган», дейишади. У Зот: «Агар уни кўрганларида, қандай бўлар эди?» дейди. Улар: «Агар уни кўрганларида, ундан янада қаттиқроқ қочган ва қаттиқроқ кўрқган бўлишарди», дейишади. У Зот: «Сизларни гувоҳ қилиб айтаманки, Мен уларни мағфират қилдим», дейди. Бир фаришта: «Уларнинг

ичида фалончи ҳам бор, ўзи улардан эмас, бир юмуш билан келган, холос», дейди. У Зот: «Улар шундай суҳбатдошларки, уларнинг суҳбатдоши ҳам бахтсиз бўлмайди», дейди».

Муттафакун алайҳ.

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан қилган ривоятида Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

«Аллоҳ таолонинг зикр мажлисларини қидириб, сайр қилиб юрадиган эркин фаришталари бор. Агар улар зикр бўлаётган мажлисни топишса, ўша ерга ўтириб олиб, бир-бирини қанотлари билан ўраб, зикр қилувчилар билан осмон ўртасини тўлдиришади. Улар тарқалиб кетишса, булар ҳам кўтарилиб, осмонга чиқишади. Шунда Аллоҳ азза ва жалла улардан сўрайди, ваҳоланки Ўзи уларнинг ҳолатини билувчироқдир:

– Қаердан келдинглар?

– Ердаги бандаларинг олдидан келяпмиз. Улар Сенга тасбеҳ, такбир, таҳлил ва таҳмид айтишяпти, Сендан сўрашяпти.

– Улар Мендан нимани сўрашяпти?

– Улар Сендан жаннатингни сўрашяпти.

– Улар Менинг жаннатимни кўришганми?

– Йўқ, эй Роббим!

– Агар жаннатимни кўрганларида қандай бўларди?

– Улар Сендан паноҳ ҳам сўрашяпти.

– Улар Мендан ниманинг ёмонлигидан паноҳ сўрашяпти?

– Дўзахингдан, эй Роббим!

– Улар Менинг дўзахимни кўришганми?

– Йўқ.

– Агар дўзахимни кўрганларида қандай бўларди?

– Улар Сендан мағфират ҳам сўрашяпти.

– Мен уларни кечириб юбордим ва сўраган нарсаларини бердим. Паноҳ

тилаган нарсаларидан Ўз паноҳимга олдим.

– Роббим, уларнинг ичида бир хатокор банда бор эди. У ўтиб кетаётиб, улар билан бирга ўтириб қолган эди.

– Уни ҳам кечирдим. Бу шундай қавмки, улар билан ҳамсуҳбат бўлганлар бадбахт бўлмайди».

Шарҳ: Ҳадисда Аллоҳни зикр қилишнинг фазилатларини очиқ бир шаклда билдирмоқда. «Аллоҳни зикр қилганлар» яъни намоз ўқиган, Қуръон ўқиган, ҳадис ўқиган, Аллоҳга дуо қилган, илм таҳсил қилган, илмий семинарлар қилган кимсаларни зиёрат қилиш ва уларнинг суҳбатларини эшитиш учун фаришталар вазифаландирилади. Ҳадиснинг бази ривоятларида бу фаришталарни, «ҳафаза» деб аталган қўриқчи фаришталардаш бошқа эканлиги айtilган. Бу фариштиларнинг осмонгача, бошқа ривоятда эса аршгача устуму устун туриб, бошқа фаришталарга бу инсонлар ҳақида хабар берганликлари, у зикр мажлисида қанотларини ёйиб уларни эшитланликлари айtilади.

Аллоҳ қулларининг нима қилаётганларини жуда яхши билган ҳолда фаришталаридан «Қулларим нима дейди?» деб сўраши ҳисоб сўраш маносида. Билинганидек Аллоҳ ер юзида бир ҳалифа яратиши ҳақида фаришталарини хабардор қилганда фаришталар бунга қарши чиққан эдилар. Ер юзида бузғунчилиг қиладиган, у ерда қон тўкадиган инсонни нима кераги бор: ҳолбуки биз сенга ҳамду сано айтамыз, тасбеҳ айтиб сени улуғлаймиз, (Бақара сураси, 30-оят) деган эдилар. Жаноби Ҳақни зикр қилган қуллар ҳақида сўраш орқали, қулларини қандай эканлигини фаришталарга билдирмоқда.

Жаннат билан жаҳаннамни кўришганми, деб келган савол орқали жаннат ва жаҳаннам яратилган деган натижага боришимиз мумкин.

Бу ҳадисда 1438-ҳадисда ҳам келганидек илоҳий ваъд ва суйинчи айtilмоқда. Аллоҳ Таоло ҳадисда; «Агар Мени жамоат орасида зикр қилса, Мен унинг жамоатидан яхшироқ бўлган гуруҳ орасида, яъни фаришталар орасида эслайман» деб буюради. Аллоҳни розичилигига лойиқ шаклда зикр қилган қулларини кечириши қандай яхши.

Зикр мажлисида бўлиш учун эмас ўзи билмаган ҳолатда бориб қолиб у ерда бўлганлиги учун Аллоҳнинг кечиримига эга бўлган кимсанинг мисоли, Аллоҳни эслаган кимсалар билан баробар бўлишнинг фазилатини далилидир. Ширин ҳидли атр сотган кимсанинг ёнида ўтирган инсон атр сотиб олмаса ҳам ширин ҳиднинг унга юқгани каби, яхши инсонлар билан бирга бўлган кишиларга қандай бўлмасин уларнинг яхшиликларидан фойда келади.

Манба: hadis.islom.uz

